

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 31-iyul, chorshanba
№ 58 (15696)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Ватан тупроғини ўпсам, дейман

Юрагида Ватан меҳри жўш уриб турган ҳар бир ўғил-қиз юрт учун нимадир қилсан, дейди. Ватан тараққиёти ва равнақига ҳисса кўшиш учун тинмайди. Бундай ёшлар орасида спортчилар ҳам талайгина. Мен ҳам турли мусобақалардан сўнг байробимизнинг ҳилпираб турганини кўрганимда юрагимда ажиб ҳис уйғониб, шу юрт фарзанди эканидан фаҳранаман.

Спорт турлари ичидан каратэ, реал айкидо, комбат айкидони танладим. Сабаби, улар инсонда ма-тонат, ирова ва шиҷоатни шакллантиради.

Биринчи галаба жуда шукухли ва эсда қоларли бўларкан. 2009 йилда Тошкентда ўтказилган реал айкидо бўйича республика очик чемпионатида I ва II даражали дипломлар билан тақдирланганим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Ўша пайтдаги ғалабам навбатдаги зафарларга унади. Мусобақаларда бирин-кетин юқори ўринларни эгаллай бошладим. Ўзбекистон очик кубогида I даражали, 2010 йилда Тошкент шаҳрида реал айкидо бўйича ўтказилган республика турнирида II даражали диплом, ўша йили Ўзбекистон очик чемпионатида I даражали диплом билан тақдирландим. Баркамол авлод йили муносабати билан реал айкидо бўйича I, II даражали дипломларга сазовор бўлиш билан бирга, Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилиндим.

Халқаро мусобақаларда ҳам омад ҳамроҳим бўлди. Украинада ўтган мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлдим. Шу пайтгача 13 та олтин, 11 та кумуш, 4 та бронза — жами 28 та медаль ҳамда иккита кубокни кўлга киритганман.

Чет элда бўлганимда хорижлик тендошларимизнинг юртимиз ҳақида айтган яхши фикрларидан фурурланаман. Улар қисқа фурсат ичida илм-фан, спорт соҳаларида эришган ютуқларимизни ҳайратланиб айтишади. Мусобақадан қайтишим билан юртимиз тупроғини ўпсан, дейман.

Ҳар гал беллашувга ҳозирлик кўраётганимда доимо яқинларимнинг менга билдирган юксак ишончини юрагимдан ўтказаман. Бутун интилишимни, иродамни ғалабага қаратаман. Ҳар бир мусобақадан юртимизга ёруғ юз билан, зафар қучиб қайтишини биринчи мақсадим деб биламан.

Айни пайтда Термиз тиббиёт коллежида таълим оляпман. Кимё, биология, тарих, инглиз ва рус тилига қизиқаман. Спортда эришган ютуқларим билан чекланиб қолишни истамайман. Шу боис илмий изланишлар ҳам олиб боряпман. Орзуларим чексиз. Келгусида шифокор сифатида юртошларимиз саломатлиги йўлида камарбаста бўлмоқчиман.

Гули ШАЙДУЛЛАЕВА,
Термиз тиббиёт коллежи ўқувчиси



Сардор Мулажонов олган суратлар

Яна янграб шарқ маронаси

«Sharq taronalari — 2013»

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Шарқ тароналари» IX ҳалқаро мусиқа фестивалини ташкил этиш масалаларига багишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Шарқ тароналари» IX ҳалқаро мусиқа фестивали ижрохи директори Тўрабек Маҳмудов, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Оқиилхон Иброҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов та-

шаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан бўён Самарқандда ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур мусиқа анжумани дунё ҳалқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий мусиқа ва кўшиқчилик санъатини ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлadi.

Ўтган давр мобайнида «Шарқ тароналари» фестивали дунёning барча қитъасини қамраб олган йирик мусиқий анжуманга айланди. Фестиваль қамрови ва қатнашчиларниң ижодий изланиши, ўзаро фикр ва тажриба алмашишида ҳам

ри сафи тобора кенгайиб бормоқда. 1997 йилда ўтказилган дастлабки анжуманда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу галги фестивалда олтмишга яқин мамлакат санъаткорларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Айни кунларда меҳмонларни кутиб олиш ва концерт дастурларини юқори савияда ўтказиш билан боғлик ташкилий ишлар якунланмоқда. Мамлакатимиз санъаткорлари, фольклор ва хореографик ансамбллар фестивалга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Фестиваль санъаткорларниң ижодий изланиши, ўзаро фикр ва тажриба алмашишида ҳам

А.САМАДОВ,
ЎЗА мухбири



«Kamolot» loyihalari

Ўзбек ёшлари яна ФОЛИБ

Хушбарнинг қаноти бор. Бу яқинда яна бир карра ўз тасдиғи ни топди. Юрдошларимиз Москвада бўлиб ўтган кимё фанидан 45-халқаро олимпиадада зафар қушиб, бир олтин, икки бронза медаль билан қайтишиди.

Шу йилнинг 15 — 24 июль кунлари дунёнинг 77 давлатидан 302 нафар иқтидорли йигит-қиз иштирок этган олимпиадада тўрт нафар тенгдошимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

— Бу олимпиадада катнашиш ҳар бир ёшнинг орзуси. Бизнинг ёшлар нафақат иштирик этишиди, балки билимда, иқтидорда ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботлашиди, — дейди жамоа раҳбари Ойбек Холиков. — Бу, шубҳасиз, юртимизда таълимга, салоҳиятли ёшларни рӯёбга чиқаришга қаратилган юксак эътибор самарасидир. Ёшларимиз учун бу охирги ютуқ эмас, улар халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлаш учун янги мэрраларни забт этишига шай.

Эсингизда бўлса, бу йил кимё бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасига юртимиз мезбонлик қилган, унда ўзбекистонлик ёшлар муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида бирин-



чи ўринни эгаллаган эди. Мазкур олимпиаданинг кумуш медаль соҳиби, Тошкент педиатрия тибиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўкувчisi Бекзодбек Болтаев 45-халқаро олимпиадада олтин медаль билан тақдирланди.

— Олимпиадада икки — назарий ва амалий турда билимимизни синовдан ўтказдик, — дейди Бекзодбек. — Беллашув ниҳоятда қизғин, ҳаяжонли ўтди. Уша лаҳзаларда елкамда катта масъулият турганини хис этдим. Халқимиз, устоzlаримиз умид билан кузатा�ётгандек эди гўё. Шу боис голиб сифатида номимни эълон қилишганида жуда хурсанд бўлдим. Эришган ютуқларимиз замирида бугун мамлакатимизда таълим сифатини оширишга қаратилган улкан эътибор му-

жассамлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу кунга қадар тенгдошларимизнинг турли халқаро фан олимпиадаларида 23 та олтин, 56 та кумуш, 98 та бронза медални кўлга киригтани юртимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўлами ишлар ҳақида кишида ёрқин тасаввур пайдо қиласди. Бу ютуқлар ҳали давом этади. Ўзбек ўғил-қизларининг довруғи узоқ-узоқларга тарашиб, Ватанимиз байроби олам узра шон-шарафга бурканиб ҳилпираиди.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мұхбири.
В.Гранкин олган сурат

Тўғри овқатланиш сирлари

Филиал талабалари болаларга газли ширин ичимликлар, хусусан, «Кока-кола»нинг одам организмига зарари ҳақида гапириб беришди. Шунингдек, жигар, ошқозон-ичак касалликлари ва суяқдаги ўзгаришларни көлтириб чиқарувчи ос-теопороз хасталиги тўғрисида атрофлича тўхталишиди.

Тадбир қизиқарли ўтиши учун иштирокчилар «Ананас», «Шафтоли», «Банан» ва «Киви» гурӯҳларига бўлинниб, улар ўртасида савол-жавоб ўтказилди. Мавзу юзасидан энг кўп саволга жавоб берган «Шафтоли» гурӯҳи эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Зухроб МАТМУРОДОВ,
«Камолот» ЙИХ Тошкент тибиёт академияси Урганч филиали
БТ етакчisi

Улуғ шаҳарларга саёҳат

Нилуфар мактабда аъло баҳога ўқигани, жамоат ишларидан фаол қатнашгани учун бир гурӯҳ тенгдошлари билан Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Беруний тумани кенгаши ташаббуси билан мустақилларимизнинг 22 йиллиги олдидан амалга оширилган ушбу саёҳат дастури ёшларни тарихий обидалар ҳамда истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишлари билан танишириш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу ташаббус туман ҳоқимлиги томонидан қўллаб-кувватлани, туман маънавият тарғибот маркази эса кўмакдош бўлди. Саёҳатчилар сафиға худуддаги кам таъминланган оиласалар фарзандлари, иқтидорли ва фаол «Камолот»чилар жалб этилди.

Дастлаб ёш саёҳатчилар Бухорода, сўнг Самарқандда бўлиб, қадими обидаларни то-моша қилишиди, тарихимиз, аждодларимиз мероси ҳақида маълумот олишиди. Саёҳатчиларнинг навбатдаги манзили азим Тошкент бўлди. Улар уч кун давомида пойтактнинг дикқатга сазовор жойларида бўлишиди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамда «Бунёдкор» стадионида ҳам бўлишиди.

Берунийлик ёшлар саёҳатнинг сўнгги куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги ўқув-услубий марказ

га қараб, менинг ҳам ёшлигим ёдимга тушаяпти.

— Ушбу саёҳат дастури мизни тўрт йилдан бўён амалга ошириб келяпмиз, — дейди «Камолот» ЙИХ Беруний тумани кенгаши раиси Алишер Курбонниёзов. — Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳамизда тумандаги илфор ёшлар қатнашади.



Ўзига хос рағбатлантирувчи бундай ташабbuslar ёшларни янада кўпроқ изланишига, яхши ўқишига, эзгу ишларни бажаришга ундейди.

Қизиқарли учрашувнинг муҳим лаҳзаларини чакқонлик билан фотога муҳрлаётган ёш суратчи эътиборимизни тортиди.



Ғамдан ўрганганларим ёрдам бераяпти. Бухоро, Самарқанд, Тошкентдай улуғ шаҳарларда бўлиш ҳар бир инсоннинг орзуси бўлса керак. Бу ерга кела олмаган тенгдошларимга эса, саёҳат фотоколлекциясини тўплаб боряпман. Менга «Бунёдкор» стадиони жуда ёқди.

Еш саёҳатчилар орасида Темурга ўхшаган Ўғилой Тўлабоева, Дилдора Ортиқбоева, Бунёд Тожибов, Асадбек Холмуродов каби ижодкор ёшлар кўп. Уларнинг барчаси ўз иқтидори, саломи тиббига эга.

— Туманимизда иқтидорли ёшлар кўп, — дейди Беруний тумани маънавият тарғибот маркази раҳбари Эгамберган Ўрозалиев. — Масалан, 1-мактаб ўкувчisi Раҳматжон Аминов «Янги авлод» болалар ижодиёти фес-



Учрашувдан сўнг у билан гаплашдик.

— Тўрт ўшимдан бўён тօғам Бекназар Бесиновнинг фотосалонида ёрдамчи бўлиб, фото санъатини ўрганиб келяпман, — дейди Беруний туманиндағи 27-мактабнинг 7-синф ўкувчisi Темур Сафарбоев. — Саёҳатда то-

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мұхбири.
Темур Сафарбоев олган суратлар



Бизнес режа панд бермади...

Бугун чорвачилик ё паррандачилик бўладими, қандолатчилик ё сартарошлик бўладими, мебель ишлаб чиқариш ё тикувчилик дейсизми, тадбиркорликнинг барча кўринишларида ёшларнинг алоҳида фаоллиги сезилиб турди. Ёшларимизда тадбиркорлик кўнижмалари шаклланиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Уларнинг иш билан бандлиги, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишга ҳаракат қилаётганлиги кимни қувонтирумайди, дейсиз?!

Эзгу мақсадларни ўзида жамлаган танловларимиз кўп. «Ёш тадбиркор — юрга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Маълумки, «Микрокредит-банк» ОАТБ, «Агробанк» ОАТБ, «Ипотекабанк» АТИБ ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган уч босқичи бу танловларнинг туман (шаҳар), вилоят босқичлари якунланди.

— Жиззах вилоятида бўлиб ўтган ушбу танловларнинг туман (шаҳар) босқичлари юқори савияда ташкил этилди, — дейди Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Бунёд Гофуров. — Май-июн ойларида танловларнинг тарғибот ойликлари ўтказилган бўлса, 2 — 13 июль кунлари ўкув семинари тарзида ташкил этилган танловларда жами 641 нафар йигит-қиз

иштирок этди. Ўтказилган ўкув семинарлари якунiga кўра, 51 нафар ёш тадбиркор танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани кўлга киритди.

Яқинда Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейда танловларнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Биринчи куни иштирокчиларга тадбиркорлик фаолияти, бизнес режа тузиш, тадбиркорликнинг молиявий-хукуқий асослари тўғрисида ўкув семинари ташкил этилди. Куннинг иккинчи ярмида Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими вакиллари иштирокида давра сухбати бўлиб ўтди. Танловларнинг иккинчи куни вилоят ҳокимлиги ўкув марказида ташкил этилган тақдимотларда 51 нафар йигит-қизнинг лойиҳалари кўриб чиқилди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг энг яхши фоялари саралаб олинди.

Якунга кўра, «Ёш тадбиркор — юрга мададкор» танлови бўйича уч нафар, «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танлови бўйича уч нафар ёшнинг бизнес режалари ва тақдимотлари қониқарли деб топилди. Улар танловнинг ёзги ўкув оромгоҳи тарзида ташкил этиладиган республика босқичи йўлланмасини кўлга киритишиди.

Шунингдек, танловнинг республика босқичига йўлланмани кўлга кирита олмаган, бизнес режалари намунали деб топилган жами тўқиз нафар иштирокчига вилоят иши гурухи томонидан тижорат банкларининг ички кредит талабларидан ке-

либ чиқсан ҳолда имтиёзли микрокредит олишлари учун тавсия берилди.

— Жиззах транспорт ва алоқа коллежида таҳсил оламан, — дейди танлов голибларидан бири Суннатулла Мажидов. — Паррандачилик йўналишида ишлаб чиқсан бизнес режам хайъат аъзоларига мъкул бўлди. Эндилиқда имтиёзли кредитни кўлга киритсам, парранда боқиб, тадбиркорлик қилмоқчиман. Албатта, бу ўзимга, оиласма ҳам даромад келтиради. Танловда қатнашганимда голиб бўлган бошқа тенгдошларимнинг ҳам лойиҳаларида қизиқдим. Дўстлик туманидан Адира Нормуродова-

нинг қандолатчилик, Жиззах туманидан Ботир Жаъфаровнинг сартарошлик, баҳмаллик Рамазон Юсуповнинг майший хизмат каби йўналишларда ишлаб чиқсан бизнес лойиҳалари, айниқса, менга ёқди.

Юртимизда эл корига ярайдиган инсонларни ҳамиша эъзозлашган. Интилувчан, фидойи ёшлар давлатимиз эътиборида. Келажакка пойдевор бўлиб, юрга мадад бўлиш йўлида тинимсиз изланяётган ёшлар мамлакатимиз тараққиётининг таянчи бўлиб қолаверади.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Республикамизда ҳар йили амалга оширилаётган «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати» лойиҳасига жанубий кореялик тенгдошларимиз ростмана қизиқиб қолганга ўхшайди. Шу боис жорий йилги ёзги таътилни улар Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилишган.

Кореялик «бунёдкор»чилар

Қизиқ тасодиф: Жанубий Кореяning Кўн Хи универсиетида ҳам ўзимизнинг «Бунёдкор»дек талabalар меҳнат ҳаракати бор экан. У ҳам кўнгилли ёшлардан шакллантирилади. Хўш, у ёғи-чи? «Камолот»чиларимиз қолган гапни сўраб-сурештирамай, кореялик «бунёдкор»чиларни юртимизга таклиф килиб қўяқолишиди. Айни дамда тўрт нафар профессор-ўқитувчи ва 34 нафар талабадан иборат делегация Тошкент вилоятининг Бўstonлиқ тумани Чинор қишлоғидаги 17-мактабда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Биринчи галда меҳмон талabalар мактабнинг тадбирлар залини таъмирлашга киришиши. Деворларини оқлаб, стулларни таъмирлашди. Меҳнатдан қочмайдиган ёшлар экан. Лекин ҳордиқ чиқаришни ҳам билишади. Ўқувчиларимиз учун турфа хил тадбирларни тайёрлаб келишганини айтмайсизми? Жумладан, бир гал спорт мусобақасини ўштирасалар, иккинчи сафар таэқвондо бўйича машгулотлар ўтишади. Шунингдек, маҳаллий болалар кореялик ака-опаларидан деворга сурат чизиш санъатини ҳам



ўрганишмоқда. Ҳозирданоқ мактаб ҳовлисида Ер шари харитаси ёки бўлмаса, ёввойи ҳайвонлар ва хона-ки жоноворларнинг тасвири туширилган улкан композицияларни кўриш мумкин.

Айни дамда мактабда барча хоҳловчилар учун кореис тили тўғараги очилган. Ўз навбатида, меҳмонлар ҳам сафардан куруқ кетмаслик мақсадида биринчи кунданоқ ўзбек тилини ўрганишга астойдил киришиши.

Кўн Хи универсиети талabalari юртимизда 1 августан таъминлаш, кўшимча даромад олиш имконини яратмоқда. Айни кунда вилоядаги «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида 109 та меҳнат гурухи тузилган бўлиб, уларда 1769 нафар ёш бирлашган. Улар, асосан, қурилиш, ободонлаштириш, ишлаб чиқариш, туризм, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларида меҳнат қилмоқда.

Ёшлар меҳнат гурухларининг ташкил этилгани ёшлар учун ҳам моддий, ҳам маънавий кувват бўлмоқда. Ишдан кейинги вақтларнинг қизиқарли ва мазмунли ташкил этилаётганлиги ёшларни янада шикоат ва файрат билан ишлashingга ундумоқда.

— «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатининг аҳамияти катта, — дейди «Камолот» ЙИХ Самарқанд давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Ҳусан Тўхтаев. — Бунда талabalар нафақат бўш

Меҳнат ва мароқли ҳордиқ муштарак

Жорий йилда Самарқанд вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЙИХ вилоят кенгаши ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолияти йўлга кўйилди. Июль ойидан мазкур меҳнат ҳаракатига ўрга маҳсус, қасб-хунар ҳамда олий таълим муассасалари ўкувчи-талabalari жалб этилди.

Меҳнат ҳаракати вақтнча ишсиз бўлган ёшларни иш билан таъминлаш, кўшимча даромад олиш имконини яратмоқда. Айни кунда вилоядаги «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида 109 та меҳнат гурухи тузилган бўлиб, уларда 1769 нафар ёш бирлашган. Улар, асосан, қурилиш, ободонлаштириш, ишлаб чиқариш, туризм, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларида меҳнат қилмоқда.

Ёшлар меҳнат гурухларининг ташкил этилгани ёшлар учун ҳам моддий, ҳам маънавий кувват бўлмоқда. Ишдан кейинги вақтларнинг қизиқарли ва мазмунли ташкил этилаётганлиги ёшларни янада шикоат ва файрат билан ишлasingга ундумоқда.

Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларни янада бирлаштириб, дўстликни мустаҳкамлайди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири

вақтларини фойдали ишга жалб қилиб, фойда олиш имконига эга бўлади, балки шу орқали ўзларини зарарли иллатлар, салбий оқимлар, турли хукубзарлик ҳолларидан ҳам химоялади. Университетимизнинг уч юнар «бунёдкор»чиси «Ниҳол», «Фемида», «Этюд» номлари остида ўнта гурухга бўлиниб, Пастдарғом туманидаги фиш заводида, Самарқанд туманидаги намунавий ўй-жойлар ва Самарқанд шаҳридаги кўпқаватли хонадонлар курилишида ҳамда «Сино» музлаткич заводида меҳнат қилмоқда.

«Энг яхши меҳнат ҳаракати гуруҳи», «Меҳнат ҳаракатининг энг фаол аъзоси» танловлари, «Камолот»да менинг ўрним», «Биз «Камолот» билан!» каби викториналар, «Маънавият меҳнатдан бошланади» руқнида меҳнат гурухи аъзолари ўртасида иш вақтида орттирган тажрибалари асосида мустақил иш тақдимотини уюстириш ҳамда «Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши!» мавзууда давра сухбати, шунингдек, мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил ўзбекистон!» шиори остида турли маънавий-маърифий, маданий тадбирлар, «Биз диний экстремизм ва терроризмга қаршиимиз!», «ОИТС ва гиёхандлик — аср вабоси» мавзуударида давра сухбатлари ўтказилмоқда.

«Энг яхши меҳнат ҳаракати гуруҳи», «Меҳнат ҳаракатининг энг фаол аъзоси» танловлари, «Камолот» билан! каби викториналар, «Маънавият меҳнатдан бошланади» руқнида меҳнат гурухи аъзолари ўртасида иш вақтида орттирган тажрибалари асосида мустақил иш тақдимотини уюстириш ҳамда «Ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қарши!» мавзууда давра сухбатлари ўтказилмоқда.

Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларни янада бирлаштириб, дўстликни мустаҳкамлайди.

Эртага 1 август — йилнинг энг ҳаяжонли кунларидан бири. Бу кунда нафақат олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган тенгдошларимиз, балки уларнинг ота-оналари, яқинлари, дўстлари ҳам ҳаяжонда бўлади. Чунки унда билим синовдан ўтади, кимнинг бу масъулияти дақиқаларга қандай тайёргарлик кўргани билинади.

Хўш, ана шу мухим онлар олдидан абитуриентлар, уларнинг яқин инсонлари кўнглидан қандай гаплар кечаяпти? Қўйида улардан баъзиларининг фикри билан танишиб, бу ҳақда етарли тасаввур ҳосил қиласиз, деб ўйлаймиз.



Ҳаяжоннинг зўри менда

Ўғлим Аббос Тошпўлатов Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ҳужжат топшируди. Унинг талаба бўлишини астойдил ният қилаяпман. Биламан, бунинг учун фақатгина яхши ниятнинг ўзи камлик қиласи. Тинимсиз ўқиган, изланган ийигит-қизлар талабалик баҳтига эришади.

Ўғлим ўтган иили ўқишига киромаганди. Бундай пайтларда фарзанддан кўра оналар кўпроқ қайфурар экан. Билими етмаганини тан оламан. Чунки бино-йидек ўқиб, тайёрланиб юрган бола чалғиди-кўйди. Бирорвнинг, «Бошингни ачитиб ўтирасанми, имтиҳон куни ўзим телефонда жавобларни айтиб тураман.

Нечасини шу йўл билан ўқишига киритганман, бу ёғидан фам ема», деган гапига ишонган. Оқибатда эса...

Бу йил Аббосим астойдил ўқибди. Менинг талабим билан тунов куни ўқитувчиси у билан савол-жавоб қилиб кўрибди. Синаб кўргач, баракалла, бу йил, албатта, ўқишига кирасан, дебди. Бу

сўзлардан анча руҳланган ўғлим ҳозир имтиҳонни орзиқиб кутяпти. Менда ҳам ширин безовталик бўлса-да, ўғлимга билдиримай, унга руҳан мадад беряпман. Чунки ўзига бўлган ишонч, имтиҳондаги ҳаяжонни енгиси ҳам омад, муваффакият томон бир қадам ташлаш, демақдир.

Қизиқ, ўқишига топширган ўғлиму, ҳаяжоннинг кўпроғи менда. Нима дердим, юртимиздаги барча оналар фарзандларининг талаба бўлганини кўриб, суюнсин, дейман.

**Лола ТЕШАЕВА,
Шофирикон тумани
Некиши қишлоғи**

Ийигит кишиининг бошига ҳаёти давомида бир неча маротаба баҳт қуши қўнади, деган яхши гап бор. Насиб этса, ўша баҳт қушларидан бири менга талабалик тимсолида буй кўрсатармикан бу йил, деган умидим бор. Шундай эзгу истак билан пойтактимиздаги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳужжат топширганман. Ижодий имтиҳондан ўтдим. Энди гал тест синовларига.

Ҳақиқий баҳт қуши

Мен танлаган соҳа сиртдан қараганда осон бўлиб кўриниши мумкин. Бунга сабаб, санъатда танилиш осон, бир-иккита тузукроқ роль ўйнаган одам гёй ҳаётидаги барча мақсадларига эришиб бўлгандай туюлади. Лекин, аслида, ундаи эмас. Санъаткор бутун умрини халққа муносиб хизмат қилишга ба-

ғишлиши лозим. Бу гаплар ўзимнига ўхшамаётганини сезиб турибсиз, биламан. Ҳа, бу мен таълим олган Самарқанд санъат коллежида менга таълим берган устозларимнинг гаплари. Улар бугун мен каби яна ўнлаб шогирдларининг такдирига кўз тикиб туриби. Бизга ишонишаати.

**Наврўз ТОЖИЕВ,
Самарқанд вилояти**

Барчаси билимга боғлиқ

Абитуриентдан кўра, унинг қариндошига қийин экан. Ҳужжат топширган амакимнинг қизи Нозима, унинг талаба бўлишини ундан кўра кўпроқ истаётган мен. Сингилгинам ўқишига кириб кетсин, деб ният қилиб турибман. Сабаби, уни яхши биламан: ўқишига кириши учун нақ икки шилдан бери қаттиқ тайёрланади, уйда ҳам, кўчада ҳам қўлида китоб.

Ўтган иили омади келмаган Ноҳизма бу йил ҳам ўзида куч-ғайрат, билим тўплаб, яна пойтактга келиб, Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетига ҳужжат топшируди. Унинг туну кун китоб ўқишини, баъзан толиқнайдан ўтирган ҳолида мудрашини кўриб, гоҳ раҳмим келса, гоҳ мадад бўлгим келади. Яна ўзимга ўзим, ўз вактида ўқиган, бироз қийинчилик кўрган инсонгина вақтнинг, ҳайётнинг қадрига етади, деб таскин бераман.

Бир куни қайсибир дугонаси телефон қилиб, шпаргалка бор, олмайсанми, деяётганини сезиб қолдим. У менга қарди-да, ишора билан нима қиласи, деди. Ўнга кўлим билан «Йўқ» деган ишорани бердим. Телефонда гаплаши бўлгач, ҳар қандай гапсўзларга ишонавермасдан ўз билиминга ишонсанг-чи, деб озгина танбех бердим. У яна китоб ўқишига киришиб кетди...

**Азиза ҚОСИМОВА,
Тошкент шахри**

Асарларимни чет тилига таржима қиласи

Бу ийл мен учун жуда омадли келди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Болалигимдан хорижий тиллар бўйича зўр мутахассис бўламан, деб юарардим. Қарорим қатъий эди: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишига кириш. Мана, ниҳоят, менга талабалик баҳти насиб этди. Давлат мукофоти соҳиби сифатида университетга тест синовларисиз имтиёзли қабул қилиндим.

Биласизми, бир томондан, ўқишига имтиёз билан кириш кишига чексиз кувонч бағишлади. Бироқ бунинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Ахир, бундан бўён барча курсдош-тенгдошларингиз сизга намуна сифатида карашади. Бундай пайтда ўқиш ва илмда янама фаол бўлиш, янги мэрраларни забт этишга интилишингиз шарт. Келгусида давлатимиз, ота-онам ва устозларимнинг менга билдириган ишончини оқлашга ҳаракат қиласи, албатта.

Интилганга толе ёр, дейишади. Бу — тўғри гап. Мактабни битирганимдан кейин Дангара саноат касб-хунар коллежида таълим олдим. 2-курсда Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини қунт билан ўқиб чиқиб, унинг мазмун-моҳиятига бағишланган эссе ёздим. Ушбу ижодий ишим ўтган иили «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» республика танловида энг яхши деб топилгани мен учун кувончли бўлди. Асарда тилга олинган воқеа-ходисалардан таъсирланган ҳолда, Юртбошимизга мактуб йўлладим. Бу номам ҳам кўпчиликни беътибор қолдирмади. Мактуб яқинда нашрдан чиқсан «Президентга мактублар» тўпламининг 3-жилдида чоп этилди.

Олдинда мени юксак илм чўққилари кутиб турибди. Инглиз тилини мукаммал ўргансам, келгусида асарларимни таржима қилиб, жаҳон китобхонларига тақдим этиш орзуим бор. Токи, Ўзбекистондек жаннатмакон юрт, унинг бугунги куни ва порлоқ келажаги ҳақида дунё ёшлари ўқиб, билиб, завқланишсан!

**Фаридахон УМАРАЛИЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби**

Менга ҳам насиб этади, албатта

Ёшлигимдан ҳукукшунос бўлишни орзу қилганим учун беш йилдан бери факат бир жойга — Тошкент давлат юридик университетига ҳужжат топшираман. Гоҳида атрофимдагилар, кўйсанг-чи, Фарруҳ, бошқа бирор ерда ўқисанг бўлади-ку, уша жойда ўқишинг шартми, деб қолишади. Учинчи бор ҳужжат топширишга тараддулданаётганимда, отам, бўлди энди, ўғлим. Бирор ишнинг бошини тутсанг, бўларди, деди. Қарорим қатъийлигини айтдим. Мақсадим аниқ бўлса, нима қиласи? Чекинишим керакми, деб интилавераман...

**Фарруҳ МАРДОНОВ,
Навоий шахри**



Дониёр Нурмуҳаммев Тошкент хизмат кўрсатиш сервис коллежи битирувчи. У мазкур коллежда карвинг санъати бўйича таҳсил олиб, турил хил полиз маҳсулотлари ҳамда мевалардан бетакрор санъат намуналарини яратиш маҳоратини яхшигина ўзлаштирган. Келажақда у нуфузли меҳмонхоналарда ишлаб, ўз маҳоратини намойиш этмоқчи.

Суратда: Дониёр Нурмуҳаммев (ўнгда) иш устида.

Сардор МУЛЛАЖНОВ фотоловҳаси

Иппоот, иморат	Курант жарангни	...кальба (бройда Хива)	Роберт (актёр)	...Хўжасев (актёр)	Вакт бирлиги	(Хонаца) рус	Проза	Амаки (қисқаша)	Т. ва (хина) б/ф	Башарти, мабодо	Харбий қисм	Шеър ӯчлов бирлиги
Антихон мөкъэртак	Кун, ой, ний	«Вир ...» ф/ф
...бери	Дунё, жадон
Оштагой ... (эртак)	Ракс-даги ҳайқирик
Бўйим, уй қисми	Маъюс, ҳомумш	Тарки ... амри маҳод	Эмиль Золия романи	Кўйин мавбуди «Ра»	Кир ювниш кукуни	Бухоро виладати туман	сектори	Дедал-нинг ўсли	Куръа (руча)	Юнусов (актёр)	Пепенинг аустри (фильм)	Хашхал, хулат, хулимум-малалик
Смит ҳиккисидан	Эрам (сайилгоҳ)
Йўқ бўйим кўтиш	Сидлик буз
Узум илайланган дар	Атиргул (руча)
...	Кимёвий элемент
... Темур сарварда	Мангулик, умрబод, димо	Таъм	Судоралиб юрӯвчи	Швейцирия ва Франдаги дар	Тираж	Корейс (хула) бирлиги	Хидсиз газ	Безор	Бўтка (руча)	Кўрна майизи	Капур (хина) актёр	Кадим, аввал
...	Олімов (хонанда)
Офат	Дори миқдори
Тонг, саҳар	Мусбат электрод
... Скалли образ	Мудалат (руча)

Терма жамоамизга ишонамиз!

Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашни давом эттирадиган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралашнинг «плей-офф» босқичига пухта ҳозирлик кўраёттир. 14 август куни Туркия терма жамоаси билан Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида ўтказиладиган ўртоқлик учрашуви асносида бош мураббий Миржалол Қосимов Иорданияга қарши кечадиган учрашувга муносиб футболчиларни саралайди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, бу икки терма жамоа шу пайтга қадар ҳали юзма-юз майдонга тушмаган эди. Ушбу икки жамоанинг пойттахтимизда бўладиган илк ўйини кўпчилик муҳлису мутахассисларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббий Миржалол Қосимов ўйинда иштирок этиши мумкин бўлган ўттиз нафар футболчининг номини эълон қилган эди.

Александр Гейнрихнинг жалб этилмаганини хибобга олмагандан, жамоанинг кенгайтирилган таркибида катта ўзгариш йўқ. Ёшлар терма жамоаси ҳужумчиси Игор Сергеев илк марта миллий терма жамоага чақирилди.

Эслатиб ўтамиз, бош мураббий йигинга жалб қилинган ўттиз футбольчидан йигирма уч нафарини танлаб олиб, 11 августдан ЖЧ саралаш ўйинига ҳал қилувчи



тайёргарликни бошлияди.

Эътиборлиси, Туркия терма жамоаси бош мураббий Абдулла Овчиҳам Ўзбекистон терма жамоаси билан бўладиган ўйинда қатнашиши мумкин бўлган футбольчиларни эълон қилган. Улар орасида Вулқон Демирел, Ҳоқон Болта, Эмре Белозурғлу каби таникли футбольчилар ҳам бор.

Сарвар МУСУРМОНОВ

ЭЪЛОН

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида адлия органлари ҳузурида «Ишонч телефони» хизматлари йўлга қўйилди.

Хурматли ёшлар!

Агар Сизнинг ҳуқуқларнинг бузилаётган бўлса ёхуд бошқа масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатга зарурат сезсангиз адлия органлари ҳузурида ташкил этилган «1008» «Ишонч телефони»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларнинг адлия органлари ҳимоясида!

SUDOKU

	1	6	3	9	4	8	7	9		2	7	
6						2				4	8	7
	1	8		4	9	2			4		7	2
3	2	7		6	1		3		2	5	6	4
	5					1	2		3	1	2	5
7	6	3	1	9		2			8	3		2

YON DAFTARCHANGIZGA

Жавдар жойига тушса, буғдой бўлар, буғдой жойига тушмаса, жавдар бўлар.

Ўзбек ҳалқ мақоли

МУАССИС:
«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 19 апрелда № 0242 ракам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

9772010 699000

Бош муҳаррир:
Ашурев Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:
Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:
Юсупов Рустам Кўчкоровиҷ

Саҳифаловчи:
Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буок Турон» кўчаси, 41.

Босишига топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.10
ЎЗА якуни — 21.00

Офсет усулида босилган.